

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**САЙДАЛИЕВА ФАРАНГИЗ ШУХРАТ ҚИЗИ**

**ТИЗИМЛИ БОШЛАНУВЧИ ЮВЕНИЛ АРТРИТЛИ БОЛАЛАРДА**  
**ЮРАК ҚОН -ТОМИР ТИЗИМИ ЗАРАРЛАНИШИНИНГ**  
**ШАКЛЛАНИШИ, КЕЧИШИ ВА БАШОРАТИНИНГ КЛИНИК-**  
**БИОКИМЁВИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

**14.00.09 – Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Сайдалиева Фарангиз Шухрат кизи**

Тизимли бошланувчи ювенил артритли болаларда  
юррак-қон томир тизими зарарланишининг шаклланиши,  
кечиши ва башоратининг клиник-биокимёвий жиҳатлари ..... 3

**Сайдалиева Фарангиз Шухрат кизи**

Клинико-биохимические аспекты формирования, течения  
и прогнозирования поражений сердечно-сосудистой  
системы у детей с ювенильными артритами с  
системным началом ..... 24

**Saydalieva Farangiz Shukhrat kizi**

Clinical and biochemical aspects of the formation, course  
and prognosis of cardiovascular lesions in children with juvenile arthritis  
with systemic onset ..... 44

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 50

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**САЙДАЛИЕВА ФАРАНГИЗ ШУХРАТ ҚИЗИ**

**ТИЗИМЛИ БОШЛАНУВЧИ ЮВЕНИЛ АРТРИТЛИ БОЛАЛАРДА  
ЮРАК ҚОН -ТОМИР ТИЗИМИ ЗАРАРЛАНИШИНИНГ  
ШАКЛЛАНИШИ, КЕЧИШИ ВА БАШОРАТИНИНГ КЛИНИК-  
БИОКИМЁВИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

**14.00.09 – Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.1.PhD/Tib3336 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tashpmi.uz](http://www.tashpmi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ахмедова Нилуфар Расуловна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Шамансурова Элмира Амануллаевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Арзиқулов Абдурайим Шамшиевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc. 04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14; e-mail: [mail@tashpmi.uz](mailto:mail@tashpmi.uz)).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14.

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.В.Алимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Х.А.Акрамова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

**Қ.Н.Хаитов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Муаммонинг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда ювенил артрит (ЮА) болалар орасида энг кенг тарқалган ва ногиронликнинг етакчи сабаби бўлган сурункали ревматик касаллик ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...бу организмнинг барча тизимларига таъсир қилувчи тизимли аутоиммун касаллик бўлиб, юрак, ўпка ёки асаб тизими фаолиятларининг бузилишларига олиб келиши мумкин...»<sup>1</sup>. ЮАни ташхислаш, даволаш ва болаларни реабилитация қилиш соҳасидаги сўнгги йиллардаги ютуқларга қарамай, унинг узоқ муддатли бўғимдан ташқари асоратлари, хусусан, кардиоваскуляр тизим томонидан юзага келадиган бузилишлар ҳанузгача долзарб муаммо сифатида сақланиб қолмоқда. Мазкур касалликда ижтимоий прогноз юрак-қон томир тизимининг зарарланиши ҳамда кардиоваскуляр патологиянинг эрта ривожланиши ва индукцияси билан боғлиқ равишда янада оғирлашади. Бу эса ушбу муаммони чуқур ўрганиш ва илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Жаҳонда ЮАнинг барча турлари орасида тизимли бошланувчи ювенил артрит (ТБЮА)да яққол намоён бўлган иммун-яллиғланиш жараёни ва оғир бўғимдан ташқари асоратларини ўрганишга йўналтирилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада ўтказилган илмий тадқиқотларда ТБЮА билан касалланган беморлар орасида кардиоваскуляр бузилишлар ривожланиш хавфининг юқорилиги алоҳида аҳамият касб этмоқда. Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, мазкур патологияга чалинган болаларда кардиоваскуляр тизим томонидан ривожланадиган асоратлар бўйича маълумотлар етарли эмас. Хусусан, ТБЮА билан оғирган беморларда юрак яллиғланиши, юрак етишмовчилиги, ритм ва ўтказувчанлик бузилишлари, артериал гипертензия каби ҳолатларнинг аниқ учраши ва уларнинг хусусиятлари етарлича ўрганилмаганлиги, бу беморларда ушбу масалани янада чуқурроқ ўрганиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Юртимизда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида бирламчи ва ихтисослашган тиббий ёрдам тизимини мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислохотларнинг ажралмас қисми сифатида «...кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга ўз вақтида ташхис қўйиш ва даволашга қаратилган тиббий ҳамда ижтимоий ёрдам тизимини янада яхшилаш...»<sup>2</sup> масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, ТБЮА билан касалланган болаларда клиник белгилари намоён бўлмаган босқичда кардиоваскуляр бузилишларни эрта аниқлаш, юрак-қон томир асоратлари ва ўлим ҳолатларини олдини олишга ўз ҳиссасини қўшувчи ташхислаш ва башоратлаш мезонларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

<sup>1</sup> <https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/Rheumatoid-arthritis>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 сентябрдаги ПҚ-4440-сон Қарорини "Кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш чора тadbирлари тўғрисида

Ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»<sup>3</sup>ги Фармони, ва 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида»<sup>3</sup>ги Фармони, шунингдек 2019 йил 7 сентябрдаги ПҚ-4440-сонли «Кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>2</sup> ги ҳамда 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ-4513-сонли «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатини яхшилаш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида ЮАни ташҳислаш, даволаш ва беморларни реабилитация қилиш имкониятлари юқори даражада (Zhang Y. et al., 2023; Fengming Li, 2025). Ревматоид артрит (РА) билан касалланган катта ёшли беморлар орасида юрак-қон томир касалликлари билан боғлиқ хавф омилларига оид кўплаб тадқиқотлар мавжуд. Ушбу тадқиқотларда классик кардиоваскуляр хавф омилларининг юқори даражада учраши, касалликдаги кучли иммун-яллиғланиш жараёни ҳамда дори воситалари бу бузилишларнинг ривожланишига таъсир этувчи сабаблар эканлиги қайд этилган (Agca R., 2017; Raj R., Thomas S., 2022; Zhang Y. et al., 2023; Sanghavi et al., 2024). Баъзи тадқиқотларда беморларда липидлар, коагуляцион, метаболик бузилишлар ва бошқа юрак-қон томир хавф омиллари мавжудлиги кўрсатилган (Boman A. et al., 2022; Gruca M. et al., 2023; Sule S., 2023; Nicoara D.M. et al., 2024). Муаллифлар томонидан, перикард, миокард ёки эндокард шикастланишлари аниқ клиник белгиларига эга бўлмаганлиги сабабли беморлар ҳаётига жиддий хавф туғдириши аниқланган (Masoud S. et al., 2017; Barkhane Z. et al., 2023; Schattner A., 2023).

МДХ давлатлари олимларининг ЮА билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларни ўрганишга доир тадқиқотлари, замонавий имкониятлар мавжуд шароитда ҳам, кам сонли ёки кўпинча зиддиятли натижаларга эга (Фейсханова Л.И., Юсупова А.Р., 2019; Ошлянская О.А., Арцимович А.Г., 2020; Громова М.А. ва бошқ., 2022). Муаллифлар томонидан, болаларда ЮАда юрак зарарланиши кўп ҳолларда белгисиз ёки жуда кам белгилар билан кечиши таъкидланган. Буни, касалликнинг эрта босқичларида 35–50% ҳолатларда учрайдиган, жумладан, эндотелий дисфункцияси, майда

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-216-сонли «2022 - 2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида»ги Қарори

ва йирик қон томирлар эластиклигининг пасайиши, чап ва ўнг қоринчалар миокардининг диастолик дисфункцияси каби юрак-қон томир тизими (ЮҚТТ) зарарланишига ишора қилувчи маркерлар тасдиқлаган (Новикова Д.С. ва бошқ., 2018; Аничков Д.А., 2023). Бир неча муаллифлар томонидан артрит билан касалланган беморларда хавф омиллари, артерия деворининг ригидлиги ва ген-инженер биологик препаратлар қўлланилишининг юракнинг электрофизиологик кўрсаткичларига таъсири ўрганилган (Евенко А.Ю., 2018; Фейсханова Л.И., 2018; Криулина Т.Ю. ва бошқ., 2023). Баъзи тадқиқотларда, ЮАда юракнинг уч қатлами яллиғланишидан ташқари клапанларда ҳам муаммолар учраши ва баъзан улар оператив коррекция талаб қилиши кўрсатилган (Насонова Е.Л., 2016; Громова М.А. ва бошқ., 2022). Ушбу маълумотлар кардиоваскуляр бузилишларни эрта, айниқса клиник белгилари намоён бўлмаган босқичда аниқлашга қаратилган тадқиқотларнинг аҳамиятини янада оширади.

Ўзбекистонда ҳам ЮАнинг турли вариантлари билан касалланган болаларда касалликнинг клиник-лаборатор, иммунологик, генетик хусусиятлари, беморлардаги вегетатив дисфункцияларини ўрганиш ҳамда уларни даволаш ва реабилитация қилиш усулларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда (Рахимгазиев У.Г., 2018; Ибрагимов А.А., 2022; Каримжанов И.А., Мадаминова М.Ш. ва бошқ., 2022; Маллаев Ш.Ш. ва бошқ., 2024; Ефименко О.В., Хайдарова Л.Р., 2025). Бироқ, ушбу тадқиқотлар ТБЮА билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларининг хусусиятларини ўрганиш, уларни ташхислаш ва башоратлаш мезонларини ишлаб чиқишни ўз ичига олмаган.

Шуни таъкидлаш жойизки, ТБЮА билан касалланган болаларда юрак-қон томир бузилишларининг клиник-функционал, биокимёвий хусусиятларини аниқлаш ҳамда уларни ташхислаш ва башоратлаш мезонларни ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади ва диссертация мавзусининг долзарблигини асослайди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ равишда, №01980006703-сонли «Болаларда туғма ва орттирилган касалликларини диагностика қилиш, даволаш ва профилактика қилиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ТБЮА билан касалланган болаларда клиник-функционал кўрсаткичлар ва кардиоспецифик биомаркерлар даражаси асосида кардиоваскуляр бузилишларни ташхислаш ва башоратлаш мезонларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ТБЮА билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларнинг учраш частотаси ва структурасини ретроспектив таҳлил асосида аниқлаш;

ТБЮА билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларнинг клиник-функционал ва инструментал белгиларининг намоён бўлиши хусусиятларини баҳолаш;

ТБЮА билан касалланган болаларда кардиоспецифик биомаркерлар (КФК-МВ, NT-proBNP, VEGF ва IL-8) даражаси ҳамда уларнинг кардиоваскуляр бузилишлари билан боғлиқлигини баҳолаш;

ТБЮА билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишлар ривожланиши хавфи билан боғлиқ бўлган прогностик аҳамиятга эга биомаркерларни баҳолаш;

ТБЮА билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларни эрта аниқлашга қаратилган ташхислаш мезонларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида кардиоревматология бўлимида даволанган 80 нафар 2–17 ёшдаги ТБЮА ва ЮАнинг бўғим шакли билан касалланган болалар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида периферик қони ва қон зардоби олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда касаллик тарихларининг ретроспектив тахлили, умумклиник, биокимёвий, функционал, инструментал ва статистик усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

ТБЮА билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларининг асосий клиник-функционал белгилари - сурункали юрак етишмовчилиги (8,0%), юрак ритмининг бузилишлари — номотоп (60,0%) ва гетеротоп (16,0%) аритмиялар, юрак ўтказувчанлиги бузилишлари (20,0%) эканлиги ҳамда систолик ва диастолик дисфункция (30,0%), миокард қайта тузилиши (8,0%), чап қоринча (ЧҚ) орқа девори гипокинезияси (20,0%) атриовентрикуляр клапанларнинг нисбий етишмовчилигига (52,0%) олиб келиши исботланган;

болаларда ЮА зўрайиб бориши билан миокарднинг қайта тузилиши, юрак ўтказувчанлиги бузилишлари ва клапанлар дисфункциялари юзага келишидан далолат берувчи касаллик фаоллиги ва ЮҚТТнинг структур-функционал ўзгаришлари ўртасида: ўтказувчанлик бузилишлари ( $r=0,53$ ;  $p<0,05$ ), ЧҚ миокарди гипертрофияси ( $r=0,75$ ;  $p<0,01$ ), шунингдек касалликнинг давомийлиги ва эхокардиографик кўрсаткичлар: қолдик диастолик ўлчам ( $r=0,56$ ;  $p<0,05$ ), қоринчалараро тўсиқ ва ЧҚ орқа девори ўлчамлари ( $r=0,61$ ;  $p<0,01$ ) ҳамда митрал ( $r=0,65$ ;  $p<0,01$ ) ва трикуспидал ( $r=0,72$ ;  $p<0,01$ ) клапан етишмовчилиги даражалари ўртасида аҳамиятли корреляцион боғлиқликлар мавжудлиги исботланган;

ТБЮА билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларининг биокимёвий хусусиятлари, кардиоспецифик маркерлар: КФК-МВ миқдорининг 1,5 баробар, NT-proBNP - 1,2 баробар ва VEGF - 1,4 баробарга ортиши ( $p<0,05$ ), ушбу тоифадаги беморларда кардиоваскуляр бузилишларини эрта аниқлашда бу маркерларни юқори диагностик аҳамиятга

эга эканлигини тасдиқловчи КФК-МВ, NT-proBNP ва VEGF миқдорлари ва юрак ритми бузилишлари (мос равишда  $r=0,53$ ;  $0,51$ ;  $0,43$ ;  $p<0,05$ ), NT-proBNP миқдори ва ЧҚ миокарди гипертрофияси ( $r=0,57$ ;  $p<0,01$ ), қолдик диастолик ўлчам ( $r=0,45$ ,  $p<0,05$ ), ҳайдаш фракцияси ( $r=-0,51$ ,  $p<0,05$ ), VEGF миқдори ва ҳайдаш фракцияси ( $r=-0,34$ ,  $p<0,05$ ) орасида боғлиқликлар мавжудлиги исботланган;

ТБЮА билан касалланган болаларда клиник белгилари намоён бўлмаган босқичда кардиоваскуляр бузилишлар шаклланганлигидан далолат берувчи маркерларнинг NT-proBNP  $>88,3$  пг/мл, КФК-МВ  $>4,2$  нг/мл ва VEGF  $>26,8$  пг/мл чегаравий қийматлари асосида ишлаб чиқилган эрта ташхислаш мезонлари ҳамда кардиоваскуляр бузилишлар юзага келиши хавфи юқори бўлган беморларни идентификация қилишга хизмат қиладиган башоратлаш моделининг самардорлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ЮА билан касалланган болаларда касалликнинг юқори фаоллиги ва зўрайиб бориши билан миокарднинг қайта тузилиши, юрак ўтказувчанлиги бузилишлари ва клапанлар дисфункциялари юзага келишидан далолат берувчи касаллик фаоллиги ва давомийлиги ҳамда юрак-қон томир тизимининг структур-функционал ўзгаришлари ўртасида аҳамиятли корреляцион боғлиқликлар мавжудлиги асосланган;

ТБЮА билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларни эрта аниқлашда кардиоспецифик биомаркерлар (КФК-МВ, NT-proBNP ва VEGF) юқори диагностик аҳамиятга эга эканлиги, уларнинг миқдори ошиши ҳамда юрак ритми бузилишлари, миокард қайта тузилиши белгилари ва ҳайдаш фракциясининг пасайиши ўртасидаги ассоциациялар мавжудлиги асосланган;

ТБЮА билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларни клиник белгилари намоён бўлмаган босқичда аниқлаш, шунингдек юқори хавф гуруҳидаги беморларни идентификация қилиш имконини берадиган эрта ташхислаш мезонлари ва башоратлаш модели самардорлиги асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кардиоваскуляр бузилишларнинг клинко-функционал ва инструментал хусусиятларини аниқлаш ташхислаш ва даволашга йўналтирилган мақсадли ёндашувни шакллантиришга хизмат қилади; КФК-МВ, NT-proBNP ва VEGF каби кардиоспецифик биомаркерларни баҳолаш уларнинг кардиоваскуляр бузилишлар ривожланишидаги ролини аниқлашга имкон беради, бу эса

уларни эрта аниқлаш ва ривожланиш хавфини стратификация қилиш учун асос бўлади; ишлаб чиқилган эрта ташхислаш мезонлари ва башоратлаш модели кардиоваскуляр бузилишларни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш имконини беради, бу эса оғир асоратлар ва салбий оқибатларни олдини олиш ҳамда ТБЮА билан касалланган болалар ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти, ТБЮА билан касалланган болаларда юрак ва қон томир тизими шикастланишини эрта аниқлаш учун КФК-МВ, NT-proBNP ва VEGF каби диагностик ва прогностик жиҳатдан аҳамиятли кардиоспецифик биомаркерлар аниқланганлиги, шунингдек, юрак ва қон томир тизими шикастланишининг клиник белгилар намоён бўлмаган босқичларида кардиоваскуляр бузилишларни эрта ташхислаш мезонлари ҳамда уларни башоратлаш модели ишлаб чиқилганлиги ва бу ўз навбатида касалликнинг оқибатларини яхшилаш, болалар ногиронлиги ва ўлимини камайтиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** ЮА билан касалланган болаларда юрак-қон томир бузилишларини ташхислаш ва башоратлаш мезонларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

*биринчи илмий янгилик:* ТБЮА билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларининг асосий клиник-функционал белгилари - сурункали юрак етишмовчилиги (8,0%), юрак ритмининг бузилишлари — номотоп (60,0%) ва гетеротоп (16,0%) аритмиялар, юрак ўтказувчанлиги бузилишлари (20,0%) эканлиги ҳамда систолик ва диастолик дисфункция (30,0%), миокард қайта тузилиши (8,0%), ЧҚ орқа девори гипокинезияси (20,0%) атриовентрикуляр клапанларнинг нисбий етишмовчилигига (52,0%) олиб келиши исботланганлиги, Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 2024 йил 25 декабрдаги №03/321-сонли Илмий кенгаш қарори билан тасдиқланган «Ювенил артрит касаллигида болаларда юрак-қон томир тизими шикастланишларини эрта аниқлашнинг биокимёвий ва иммунологик мезонлари» мавзусидаги услубий тавсияларга киритилган ҳамда ушбу тақлифлар Қорақалпоғистон Республикаси болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 12 февралдаги №19-сонли ва Тошкент вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 10 февралдаги №85-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник Кенгашининг 2025 йил 25 апрелдаги №16/05-сонли хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* ТБЮА бўлган болаларда клиник-функционал хусусиятлар асосида кардиоваскуляр бузилишларни эрта аниқлаш, терапевтик чоратadbирларни ўз вақтида бошлашга ва оғир асоратлар ривожланиши хавфининг олдини олишга имкон беради, бу эса ногиронлик даражасини камайтиради, шунингдек, мазкур касалликка чалинган болаларнинг ҳаёт сифатини ва давомийлигини ошириш имконини беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* юрак-қон томир тизими бузилишларини эрта аниқлаш ва даволаш орқали 1 нафар бемор учун 14 кунлик даволаш жараёнида 22840752

сўмгача бюджет маблағи тежалишига эришилиб, бу эса 32 нафар беморни даволашда умумий 730904064 сўмгача иқтисод қилишга эришилган. **Хулоса:** юрак-қон томир асоратларини олдини олиш ва уларни эрта босқичда аниқлаш 1 нафар беморга тўғри келадиган харажатларни 22840752 сўмгача иқтисод қилиш имконини берган;

**иккинчи илмий янгилик:** болаларда ЮА зўрайиб бориши билан миокарднинг қайта тузилиши, юрак ўтказувчанлиги бузилишлари ва клапанлар дисфункциялари юзага келишидан далолат берувчи касаллик фаоллиги ва юрак-қон томир тизимининг структур-функционал ўзгаришлари ўртасида: ўтказувчанлик бузилишлари ( $r=0,53$ ;  $p<0,05$ ), ЧҚ миокарди гипертрофияси ( $r=0,75$ ;  $p<0,01$ ), шунингдек касалликнинг давомийлиги ва эхокардиографик кўрсаткичлар: қолдик диастолик ўлчам ( $r=0,56$ ;  $p<0,05$ ), қоринчалараро тўсиқ ва ЧҚ орқа девори ўлчамлари ( $r=0,61$ ;  $p<0,01$ ) ҳамда митрал ( $r=0,65$ ;  $p<0,01$ ) ва трикуспидал ( $r=0,72$ ;  $p<0,01$ ) клапан етишмовчилиги даражалари ўртасида аҳамиятли корреляцион боғлиқликлар мавжудлиги исботланганлиги, Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 2024 йил 25 декабрдаги №03/321-сонли Илмий кенгаш қарори билан тасдиқланган «Ювенил артрит касаллигида болаларда юрак-қон томир тизими шикастланишларини эрта аниқлашнинг биокимёвий ва иммунологик мезонлари» мавзусидаги услубий тавсияларга киритилган ҳамда ушбу таклифлар Қорақалпоғистон Республикаси болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 12 февралдаги №19-сонли ва Тошкент вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 10 февралдаги №85-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник Кенгашининг 2025 йил 25 апрелдаги №16/05-сонли хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** касаллик фаоллиги ва давомийлиги билан боғлиқ ассоциацияларини аниқлаш, текширувлар частотасини индивидуаллаштириш ва яллиғланиш фаоллигини камайтириш, ремиссия даврини узайтириш ҳамда асоратларни олдини олишга қаратилган даволашни оптималлаштириш имконини беради, бу эса болалардаги ЮА прогнозини ва касаллик натижаларини яхшилаш имконини беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** ЮА билан касалланган беморларни олиб боришда касаллик фаоллиги ва давомийлигини инобатга олган ҳолда диагностик ва даволаш тадбирларини оптималлаштириш кардиоваскуляр бузилишлар ривожланишини олдини олиш, даволаш муддатини 6 кунга қисқартириш ва ҳар бир бемор учун 6 кунлик даволаш харажатларида 6360322 сўмгача, 32 нафар бемор учун эса 203530304 сўм бюджет маблағларини тежаш имконини беради. **Хулоса:** ювенил артрит билан касалланган болаларда касаллик фаоллиги ва давомийлиги билан клиник-функционал кўрсаткичлар ўртасида аниқланган корреляцион боғлиқликларни ҳисобга олиш ҳар бир бемор учун 6 360 322 сўмгача маблағни иқтисод қилиш имконини берган;

**учинчи илмий янгилик:** ТБЮА билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларининг биокимёвий хусусиятлари, кардио-

специфик маркерлар:КФК-МВ миқдорининг 1,5 баробар, NT-proBNP - 1,2 баробар ва VEGF - 1,4 баробарга ортиши ( $p < 0,05$ ), ушбу тоифадаги беморларда кардиоваскуляр бузилишларини эрта аниқлашда бу маркерларни юқори диагностик аҳамиятга эга эканлигини тасдиқловчи КФК-МВ, NT-proBNP ва VEGF миқдорлари ва юрак ритми бузилишлари (мос равишда  $r = 0,53$ ;  $0,51$ ;  $0,43$ ;  $p < 0,05$ ), NT-proBNP миқдори ва ЧҚ миокарди гипертрофияси ( $r = 0,57$ ;  $p < 0,01$ ), қолдик диастолик ўлчам ( $r = 0,45$ ;  $p < 0,05$ ), хайдаш фракцияси ( $r = -0,51$ ,  $p < 0,05$ ), VEGF миқдори ва хайдаш фракцияси ( $r = -0,34$ ,  $p < 0,05$ ) орасида боғлиқликлар мавжудлиги исботланганлиги, Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 2024 йил 25 декабрдаги №03/321-сонли Илмий кенгаш қарори билан тасдиқланган «Ювенил артрит касаллигида болаларда юрак-қон томир тизими шикастланишларини эрта аниқлашнинг биокимёвий ва иммунологик мезонлари» мавзусидаги услубий тавсияларга киритилган ҳамда ушбу тақлифлар Қорақалпоғистон Республикаси болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 12 февралдаги №19-сонли ва Тошкент вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 10 февралдаги №85-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник Кенгашининг 2025 йил 25 апрелдаги №16/05-сонли ҳулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** ТБЮА ли болаларда ЮҚТТ зарарланишидан далолат берувчи биомаркерларни аниқлаш кардиоваскуляр бузилишларнинг клиник белгилари намоён бўлмаган босқичда ташхислаш имконини яратади. Бу эса уларни эрта тасхислаш, давони бошлаш ва профилактик тадбирларни амалга ошириш имкониятини кенгайтиб, оғир асоратларнинг олдини олиш ва касаллик оқибатларини юмшатиш орқали беморларнинг ҳаёт сифати сезиларли даражада яхшилаш имконини беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** КФК-МВ, NT-proBNP ва VEGF каби кардиоспецифик биомаркерларни аниқлаш ЮА билан касалланган болаларда юрак-қон томир бузилишларини эрта аниқлаш ва оғир юрак-қон томир асоратларини олдини олишга хизмат қилди, бу эса беморларнинг шифохонада ётиб даволаниш муддатини 6 кунга қисқартирди ва бир нафар беморга нисбатан 6 кунлик даволаш учун 6360322 сўмгача, 32 нафар беморни даволашда эса умумий 203530304 сўм бюджет маблағларини иқтисод қилишга эришилган. **Хулоса:** ЮА билан касалланган болаларда юрак-қон томир бузилишларини эрта аниқлаш мақсадида кардиоспецифик биомаркерларни (КФК-МВ, NT-proBNP, VEGF) аниқлаш, касаллик прогнозини яхшилаш ва асоратларни даволаш билан боғлиқ харажатларни бир беморга нисбатан 6360322 сўм иқтисод қилиш имконини берган;

**тўртинчи илмий янгилик:** ТБЮА билан касалланган болаларда клиник белгилари намоён бўлмаган босқичда кардиоваскуляр бузилишлар шаклланганлигидан далолат берувчи маркерларнинг NT-proBNP  $> 88,3$  пг/мл, КФК-МВ  $> 4,2$  нг/мл ва VEGF  $> 26,8$  пг/мл чегаравий қийматлари асосида ишлаб чиқилган эрта ташхислаш мезонлари ҳамда кардиоваскуляр бузилишлар юзага келиши хавфи юқори бўлган беморларни идентификация

қилишга хизмат қиладиган башоратлаш моделининг самардорлиги исботланганлиги, Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 2024 йил 25 декабрдаги №03/321-сонли Илмий кенгаш қарори билан тасдиқланган «Ювенил артрит касаллигида болаларда юрак-қон томир тизими шикастланишларини эрта аниқлашнинг биокимёвий ва иммунологик мезонлари» мавзусидаги услубий тавсияларга киритилган ҳамда ушбу таклифлар Қорақалпоғистон Республикаси болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 12 февралдаги №19-сонли ва Тошкент вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 10 февралдаги №85-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник Кенгашининг 2025 йил 25 апрелдаги №16/05-сонли хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** ТБЮА билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларини эрта таҳислаш бўйича ишлаб чиқилган мезонлар ва башоратлаш моделидан фойдаланиш кардиоваскуляр бузилишларнинг клиник белгилари намоён бўлмаган босқичларида аниқлаш, юқори хавф гуруҳига оид беморларни идентификация қилиш, ва шу орқали кардиоваскуляр асоратларни эрта аниқлаш ва олдини олиш, беморларнинг ҳаёт сифати яхшиланиши, ногиронлик ва ўлим ҳолатларини камайтиришга хизмат қилади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** кардиоваскуляр бузилишларни эрта тасҳислаш мезонлари ва башоратлаш моделидан фойдаланиш оғир асоратларнинг олдини олишга, даволаш харажатларини камайтиришга, шифохонада ётиш муддатини 6 кунга қисқаришига ҳамда бир нафар бемор учун 6360322 сўмгача, 32 нафар беморни даволашда эса 203530304 сўм бюджет маблағларини иқтисод қилишга эришилган. **Хулоса:** ЮА билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларни таҳислаш мезонлари ва башоратлаш моделини қўллаш ҳар бир бемор учун бир кунлик даволашда ўртача 6360322 сўм иқтисод қилиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.**

Диссертация мавзуси бўйича 19 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 та республика, 2 та хорижий журналларда, 1 та услубий тавсиянома нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 4та боб, хулоса, амалий тавсиялар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 104 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурийлиги асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари баён этилган, тадқиқот объекти

ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Биринчи боб «**Болаларда ювенил артрит ва кардиоваскуляр хавф: замонавий адабиётлар шарҳи**» деб номланиб, унда мавзуга оид илмий адабиётлар таҳлили келтирилган. Шу бобда мазкур муаммонинг замонавий ҳолатига оид қарашлар, ЮА билан касалланган болаларда ЮҚТТ шикастланишининг тарқалиши, клиник намоён бўлиш хусусиятлари тўғрисида етарлича тўлиқ маълумотлар берилган. Шунингдек, ташхислаш ва башоратлашнинг устувор масалалари, кардиоспецифик биомаркерларнинг ЮА билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларни аниқлаш ва башорат қилишдаги аҳамияти ёритилган. Мавжуд илмий материаллар атрофлича таҳлил қилинган ҳамда янада чуқур ўрганишни талаб қиладиган жиҳатлар алоҳида таъкидланган.

Иккинчи боб «**Текширилган беморларнинг тавсифи ва фойдаланилган текшириш усуллари**» да тадқиқот материал ва усуллари ёритилган. ЮАли беморларда кардиоваскуляр бузилишлар учраш частотасини аниқлаш мақсадида 2021-2022 йилларда РИПИАТМ кардиоревматология бўлимида ЮА ташхиси билан даволанган 159 нафар болаларнинг касаллик тарихлари таҳлил қилинган.

Перспектив текширув ЮАли 2 ёшдан 17 ёшгача бўлган 80 нафар беморларни ўз ичига олган. Улар касалликнинг вариантыга кўра икки гуруҳга ажратилган: 1-гуруҳ (асосий) — 50 нафар ТБЮАли бемор; 2-гуруҳ (таққослаш) — 30 нафар бола ЮАнинг буғим шакли бўлган беморлар.

ТБЮА ташхиси ACR/EULAR (2022) мезонлари асосида қўйилган. Касаллик фаоллигини баҳолашда JADAS10 (Juvenile Arthritis Disease Activity Score) индекси қўлланилган.


Инструментал текширувлар қон босимининг суткалик мониторинги (ҚБСМ), кўкрак қафаси рентгенографияси, ЭКГ, ЭхоКГ ва ЭКГ-Холтер мониторингини (ХМ-ЭКГ) ўз ичига олган.

Махсус тадқиқотларда қон зардобиддаги биомаркерлар (КФК-МВ ва NT-proBNP) ҳамда яллиғланишгача бўлган цитокинлар (VEGF, IL-8) даражаларини иммунофермент таҳлили (ИФА) орқали аниқланган. Тадқиқотлар ЎзР ФА Иммунология ва инсон геномикаси институти қошидаги «Аутоиммун ҳолатлар» лабораториясида ўтказилган.

Статистик таҳлиллар IBM SPSS Statistics v.26 дастури ёрдамида амалга оширилди. Номинал ўзгарувчиларни таҳлил қилиш учун Пирсоннинг  $\chi^2$  критерийи, миқдорий кўрсаткичлар учун эса Стьюдентнинг t-критерийи қўлланилди. Ўзаро боғлиқлик Пирсон ёки Спирмен корреляция коэффициенти орқали баҳоланди (тақсимотга боғлиқ ҳолда).  $p < 0,05$  бўлган ҳолда фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли деб ҳисобланди. Кўрсаткичларнинг


диагностик аҳамияти ROC-таҳлил усули билан баҳоланди. Башоратлаш модели қуришда логистик регрессия усули қўлланилди.

Учинчи боби «ТБЮА билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларнинг клиник намоён бўлиш хусусиятлари» — 4 кичик бобдан иборат бўлиб, унда ЮАнинг клиник вариантларида ЮҚТТ шикастланишининг учраш частотаси бўйича ретроспектив таҳлил натижалари, шунингдек, болаларда ЮА вариантларига кўра кардиоваскуляр бузилишларнинг клиник-функционал ва лаборатор хусусиятларини ҳамда ЮҚТТнинг структур-функционал ўзгаришларининг касаллик фаоллиги ва давомийлиги билан боғлиқлигини аниқлашга қаратилган проспектив тадқиқотлар натижалари келтирилган.



**1-расм. ЮА билан касалланган болаларда касаллик вариантга кўра кардиоваскуляр асоратларнинг учраш частотаси**

Ретроспектив таҳлил натижасига кўра, 159 та ЮА билан касалланган беморнинг касаллик тарихи ўрганилганда, уларнинг 61 нафари (38,4%) ТБЮАли, 98 нафари (61,6%) эса бўғим шаклдаги ЮАли беморлар бўлди. ТБЮАли беморлар гуруҳида кардиоваскуляр бузилишлар учраш частотаси 52,5% ни ташкил этиб, бу кўрсаткич бўғим шаклидаги ЮАли беморлар гуруҳига нисбатан 1,8 баравар юқори (29,2%) бўлди (1-расм).



**2-расм. Текширилган ЮА билан касалланган беморлар гуруҳлари**

Бузилишлар орасида энг кўп учрайдиган клиник белгилар қуйидагилар бўлди: кардит – 24,5%, юрак ритмининг бузилишлари – 24,5%, миокард қайта рузилиши – 9,8%, юрак ўтказувчанлигининг бузилиши – 4,9%, шунингдек,

трикуспидал клапан етишмовчилиги ва сурункали юрак етишмовчилиги аломатлари – ҳар бири 1,6% ҳолатда кузатилди.

Перспектив тадқиқотлар 80 нафар ЮА ташхиси қўйилган болалар орасида ўтказилди. Улар касаллик вариантыга кўра икки гуруҳга ажратилди (2-расм).

ТБЮА билан касалланган болаларда кардиоваскуляр бузилишларнинг клиник хусусиятларини ўрганиш жараёнида асосий касалликнинг клиник белгилари билан бирга, ЮҚТТ шикастланишларига хос симптомларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратилди. ЮҚТТга хос бўлган субъектив шикастлар таҳлили, улар ҳар икки гуруҳдаги беморларда ҳам қайд этилганини кўрсатди. Бунда, юрак соҳасидаги оғриқларга бўлган шикастлар 2-гуруҳдаги беморлар орасида 1-гуруҳдагиларга нисбатан 2,3 баравар кўп учради (23,3% ва 10,0% мос равишда), аммо юрак уриб кетиши ҳақидаги шикастлар фақат 1-гуруҳдаги беморларда қайд этилди (16,0%) ( $p < 0,05$ ).

Объектив текширув натижаларига кўра, касалликнинг клиник вариантыдан қатъий назар, 87,5% беморларда ЮҚТТ зарарланишининг носпецифик белгилари аниқланиб, бу кардиоваскуляр бузилишларнинг клиник белгилари намоён бўлмаган босқичи эканлигидан далолат беради.

Объектив кўриқда 1-гуруҳдаги беморларда юрак нисбий чегараларининг кенгайиши (8,0%), систолик шовқин (98,0%), юрак тонларининг бўғиқлашуви, патологик тонлар (80,0%) ва ўпка артериясида иккинчи тон акценти (8,0%) қайд этилди, 2-гуруҳда эса фақат систолик шовқин (90,0%) ва юрак тонларининг бўғиқлашуви (56,6%) кузатилди. 1-гуруҳдаги беморларнинг 16,0% да аритмик юрак тонлари аниқланиб, бу ҳолат уларда ХМ-ЭКГ ўтказиш учун асос бўлди.

Таққосланаётган гуруҳлардаги беморларнинг ўртача нафас, пульс сонлари, систолик (САБ) ва диастолик артериал босими (ДАБ) меъёрий қийматларга тўғри келган бўлсада, 1-гуруҳдаги беморларнинг 16,0% да пульс бир дақиқада 100 дан 144 гача бўлди, 8,0% да тахипноэ ва ҳансираш ҳолатлари қайд этилди. Шунингдек, 1-гуруҳдаги беморларнинг 16,0% да пульс босимининг ошиши аниқланди ( $p < 0,05$ ). Адабиётларда таъкидланишича, бу ҳолатга ЮҚТТ зарарланиши хавфи ошганлигининг маркери сифатида қаралади (Аничков Д.А., 2009).

Қон босимининг суткалик мониторинги кўрсаткичлари 1-гуруҳдаги 18,0% беморларда ўртача қийматларнинг ошганлиги ва тунги босимнинг етарли даражада тушмаслигини (САБ–14,0%, ДАБ–8,0%) кўрсатди. 2-гуруҳ болаларида бундай ўзгаришлар кузатилмади.

ЭКГ кўрсаткичлари таҳлили натижаларига кўра, 1-гуруҳдаги болаларда қуйидаги ўзгаришлар аниқланди: ритм бузилишларидан синусли тахикардия (20,0%), синусли брадикардия (22,0%), синусли аритмия (8,0%) ва қоринчалар экстрасистолияси (16,0%) ҳолатлари кузатилди. 2-гуруҳдаги болаларда эса синусли тахикардия ва брадикардия кўрсаткичлари мос равишда 6,7% ва 16,7% ни ташкил этди. Синусли брадиаритмия 2-гуруҳдаги 10,0% болаларда

қайд этилди. Вольф–Паркинсон–Уайт (WPW) синдроми эса фақат 2-гуруҳдаги беморларда учраб, 3,3% ҳолатда аниқланди (1-жадвал).

Юрак ўтказувчанлиги бузилишлари частотасини ўрганиш, Гис тутами ўнг оёқчаси нотўлиқ блокадаси 1-гуруҳдаги болаларда кўпроқ учраганини кўрсатди (20,0% га қарши 3,3%) ( $p < 0,05$ ). Юракнинг қайта тузилиш (ремоделланиш) белгиларидан ЧҚ гипертрофияси фақат 1-гуруҳдаги 8,0% болаларда аниқланди ( $p < 0,05$ ).

### 1-жадвал

#### Касаллик клиник шаклига кўра ЭКГ ўзгаришлари учраш частотаси

	1-гуруҳ, n=50		2-гуруҳ, n=30		Умумий	
	abs	%	abs	%	abs	%
<b>ЭКГ даги юрак ритмининг бузилиши</b>						
Синусли тахикардия	10	20,0*	0	0	10	12,5
Синусли брадикардия	11	22,0	5	16,7	16	20,0
Синусли аритмия	4	8,0*	0	0	4	5,0
Синусли брадиаритмия	5	10,0	3	10,0	8	10,0
WPW-синдром	0	0	1	3,3	1	1,3
ҚЭС	8	16,0	0	0	8	10,0
<b>ЭКГда аниқланган блокадалар</b>						
Гис тутами ўнг оёқчаси нотўлиқ блокадаси	10	20,0	1	3,3	11	13,8
<b>ЭКГда аниқланган гипертрофия белгилари</b>						
ЧҚ гипертрофияси	4	8,0*	0	0	4	5,0
ЧҚ зўриқиши	1	2,0	0	0	1	1,3

Изоҳ: \*- 1 ва 2 гуруҳлар орасидаги фарқлар ишончлилиги

ЭКГ кўрсаткичларидаги аниқланган ўзгаришлар частотаси, 1-гуруҳдаги беморлар орасида R–R интервали қисқариши ёки узайиши ва унинг вариабеллиги каби ўзгаришлар устунлик қилганлигидан далолат берди. P-Q интервали қисқариш ҳолати 2-гуруҳдаги болаларда нисбатан кўпроқ учраган бўлса ҳам (6,7% га қарши 2,0%), бу фарқ ишончли бўлмади.

### 2-жадвал

#### ЮА ли болалар эхокардиографик кўрсаткичлари

ЭхоКГ	1-гуруҳ, n=50		2-гуруҳ, n=30		p
	abs	%	abs	%	
Юрак ривожланиш кичик нуқсони (қўшимча хорда)	8	16,0	9	30,0	>0,05
Тахикардия белгилари	3	6,0	0	0	>0,05
ЧҚ орқа девори гипокинезияси	10	20,0	0	0	<0,05
МКЕ	12	24,0	4	13,3	>0,05
ТКЕ	14	28,0	2	6,7	<0,05
Ўпка артерияси стенози	0	0	1	3,3	>0,05

Изоҳ: P- 1 ва 2 гуруҳлар орасидаги фарқлар ишончлилиги

ХМ–ЭКГ натижаларининг таҳлили, номотоп ва гетеротоп юрак ритми бузилишларини қайд этилганини кўрсатди. Номотоп бузилишлар орасида

тахикардия (22) ва брадикардия (3) кўпроқ кузатилди. Гетеротоп бузилишлар ҚЭС (4632) ва бўлмачалар экстрасистолияси (143 ҳолат) кўринишида бўлиб, улар орасида якка (1173) ва гуруҳли (бигеминия (1008), тригеминия (84)) кўринишдаги ҚЭС ҳолатлари қайд этилди.

ЭхоКГ текширув натижаларига кўра, 1-гуруҳдаги беморларнинг 24,0%да - МКЕ, 28,0% да - ТКЕ аниқланди. 2-гуруҳдаги болалар орасида эса бу кўрсаткичлар мос равишда 13,3% ва 6,7% ни ташкил этди. Ўпка артериясининг стенози фақат 2-гуруҳдаги битта беморда кузатилган, ЧҚ орқа девори гипокинезияси эса фақат 1-гуруҳдаги 20,0% беморларда қайд этилди (2-жадвал).

### 3-жадвал

#### Касаллик вариантыга кўра кардиоваскуляр асоратларнинг учраш частотаси

Кўрсаткичлар	1-гуруҳ, n=50		2-гуруҳ, n=30		p
	abs	%	abs	%	
СЮЕ	4	8,0	-	-	>0,05
ТКЕ	14	28,0	2	6,7	<0,01
МКЕ	12	24,0	4	13,3	>0,05
Номотоп ЮРБ	30	60,0	10	33,3	<0,05
Гетеротоп ЮРБ (ҚЭС)	8	16,0	-	-	<0,05
Синкопе	1	2,0	-	-	>0,05

Изоҳ: p-1 ва 2 гуруҳлар орасидаги фарқлар ишончлиги

СЮЕ ва ҚЭС каби асоратларнинг клиник белгилари фақат 1-гуруҳ болаларида кузатилди (8,0% ва 16,0% мос равишда). Номотоп юрак ритми бузилишлари (ЮРБ) умумлаштирилганда ушбу гуруҳдаги болалар орасида сезиларли даражада кўпроқ учради ( $p < 0,05$ ). Болаларда ТКЕ ва МКЕ ҳам асосий гуруҳда (28,0% ва 24,0%), ҳам таққослаш гуруҳида (6,7% ва 13,3%) кузатилди, бироқ ТКЕ 1-гуруҳдаги болаларда ишончли даражада кўпроқ эди.



3-расм. ЮҚТТ структур-функционал ўзгаришларининг касаллик фаоллиги ва давомийлиги билан корреляцион боғлиқликлари.

ТБЮАли бир нафар беморда жисмоний зўриқиш вақтида синкопал ҳолатлар аниқланган бўлиб, бу ҳолатни юрак ҳайдаш фаолиятининг кескин

пасайиши туфайли ЧҚ қон билан тўлишининг ўткир бузилиши ҳамда миёда қисқа муддатли ишемия билан боғлаш мумкин (3-жадвал).

Кўкрак қафаси аъзоларининг рентгенологик текширув натижаларига кўра, ҳар икки таққосланаётган гуруҳда ҳам бир нафар беморда КТИ (кардиоторакал индекс) 50% дан юқори бўлган ҳолда кардиомегалия белгилари аниқланган.

Олинган маълумотлар шундан далолат берадики, клиник-инструментал текширувларни мақсадли ўтказилиши кардиоваскуляр бузилишларни, жумладан кўп ҳолларда аниқ клиник белгиларсиз кечадиган асоратларни ҳам аниқлаш имконини беради.

ЮА билан касалланган болаларда ўтказилган корреляцион таҳлил натижаларига кўра, касалликнинг фаоллиги билан қуйидаги структур-функционал ўзгаришлар ўртасида ижобий боғлиқлик аниқланди: юрак ўтказувчанлиги бузилишлари ( $r=0,53$ ;  $p<0,05$ ) ва ЧҚ миокарди гипертрофияси ( $r=0,75$ ;  $p<0,01$ ). Шунингдек, касаллик давомийлиги билан эхокардиографик кўрсаткичлар (КДХ, қоринчалараро тўсиқ ва ЧҚ орқа девори ўлчами ҳамда митрал ( $r=0,65$ ;  $p<0,01$ ) ва трикуспидал ( $r=0,72$ ;  $p<0,01$ ) клапанлар етишмовчилиги даражасининг ортиши) ўртасида кучли боғлиқликлар қайд этилди (3-расм).

Ўтказилган таҳлил натижалари, ЮАнинг зўрайиб бориши ва унинг юқори даражадаги яллиғланиш фаоллиги юракдаги структур ва функционал ўзгаришлар — миокард қайта тузилиши, юрак ўтказувчанлиги бузилишлари ва клапанлар дисфункциялари ривожланиши билан боғлиқ эканлигидан далолат беради.

**Тўртинчи боб «Тизимли бошланувчи ювенил артрит билан касалланган болаларда юрак-қон томир тизими шикастланишида биомаркерларининг диагностик ва прогностик аҳамияти»** деб номланиб, кардиоспецифик биомаркерларнинг солиштирма таҳлили натижалари ҳамда уларнинг диагностик ва прогностик аҳамияти келтирилган.

ТБЮА билан касалланган болаларда олиб борилган умумклиник ва биокимёвий лаборатор таҳлил натижалари яққол ифодаланган тизимли яллиғланиш жараёни мавжудлигини кўрсатди (СРО, ЭЧТ кўрсаткичларининг ошиб бориши, лейкоцитоз ва ҳ.к.).

#### 4-жадвал

##### ТБЮА ли болаларда КФК–МВ ва NTproBNP кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	1-гуруҳ, n=50	2-гуруҳ, n=30	Референс кўрсаткичлар	p
КФК–МВ (ng/ml)	7,7±0,6*	5,9±0,51	<5,2	<0,05
NTproBNP (pg/ml)	145,5±3,2*	133,5±2,5*	0-125	<0,05

p - 1 ва 2 гуруҳлар орасидаги фарқлар ишончлиги, \*– референс кўрсаткичга нисбатан ишончлиги

КФК-МВ миокард шикастланишининг махсус ва сезгир индикаторларидан бири ҳисобланади. Касаллик вариантыга кўра КФК-МВ даражасини ўрганиш шуни кўрсатдики, 1-гуруҳдаги болаларда унинг ўртача

